

## УРУШ ФАХРИЙСИ ШАРАФЛАНДИ

ХОТИРА ВА ҚАДРЛАШ КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ВИЛОЯТИМИЗДА ЯШОВЧИ 28 НАФАР ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИ ФАХРИЙЛАРИНИНГ ҲОЛИДАН ХАБАР ОЛИНИБ, УЛАРГА ПРЕЗИДЕНТИМИЗНИНГ БАЙРАМ ТАБРИГИ, 15 МИЛЛИОН СҮМДАН ПУЛ МУКОФОТИ, ҚИММАТБАҲО СОВҒАЛАР, ОЗИҚ-ОВҚАТ МАҲСУЛОТЛАРИ ТОПШИРИЛДИ.

Вилоят ҳокими Хайрулло Бозоров, Шарқий ҳарбий округ қўшинлари қўмондони биринчи ўринbosари Жамшид Каримов, вилоят секторлари раҳбарлари, вилоят Мудофаа ва Хавфсизлик тизимлари раҳбарлари ҳамда Бувайдга тумани ҳокими ва дахлдор ташкилот-корхоналар раҳбарлари туманимизнинг Янгикўрғон қишлоғида яшовчи Кенжабой ота Эгамқулов хонадонида ҳам бўлишиб, отахонни ва унинг оила аъзоларини байрам билан табрикладилар. Кенжабой ота меҳмонларни очиқ чеҳра билан кутиб олди. Отахон суҳбат давомида уруш даврида бошидан ўтказган синовлар, қийинчиликлар, кўрсатган қаҳрамонликлари ҳақида сўзлаб берди. Кенжабой ота 1943 йил ноябрь ойида жанговор топшириқларни бажариш чоғида чап оёғидан ярадор бўлгандан сўнг Ватанга қайтган. Урушдан кейин 1945 йилдан 1984 йилгача турли масъул лавозимларда фаолият олиб борди. Кенжабой ота урушда кўрсатган қаҳрамонликлари учун қатор орден ва медаллар билан тақдирланган. Кенжабой ота уруш даврини ёдга олар экан, бугунги замон ёшлари ундей қаро кунларни кўрмасликларини, юрга тинчлик тилаб дуо қилди. Урушнинг аёвсиз, даҳшатли кунларини бошдан кечирган отахон бугунги тўкин ҳаётдан, Президентнинг эътибор ва ғамхўрликларидан мамнун эканликларини изҳор қилдилар.

2022-05-13 10:35:17